

Аллоҳ таоло меҳрибон Зот!



15:00 / 26.01.2022 2394

Аллоҳ таоло биз бандаларини ибодатга буюрди. Чунки, У Зот бизнинг ҳаётимиз, тирикликимиз, ҳаётимизга мазмун киритадиган нарса ибодатлигини ўта билувчи Зотдир.

Аллоҳ таоло хамрни ва унинг ҳукмида бўлган барча маст қилувчи нарсаларни ҳаром қилди. Чунки, у нарсаларда биз учун улкан зарарлар бордир. Хамр ёки бошқа маст қилувчи нарсаларни истеъмол қилган кимса инсонийлик табиатидан чиқиб, балчиқ ариқларда ағанаб ётади. Гаплари пойинтар-сойинтар бўлади. Ўша нарсанинг хумори тутганда, олишга пули бўлмаса, уйдаги ҳамма нарсани сотади, уйда ҳеч вақо қолмагач, ўғрилиқ, талончилик йўлига ўтади. Ўзига, оиласига ва жамиятга улкан зарар келтиради.

Аллоҳ таоло қиморни ҳаром қилди. Чунки, унда зиёнга учраш, бир-бирини ёмон кўриш, бир-бирига душманлик қилиш бордир. Бугун онлайн қиморда ютқазиб қўйиб, ўз жонига қасд қилиб, ота-онасини фарзанд доғида куйдириб, аёлини бева, болаларини етим қилаётганлар кўпайиб бормоқда. Ёки ютқизган тараф ютган тарафнинг қотилига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Аллоҳ таоло зинони ҳаром қилди. Чунки, унда насабларнинг аралашиши, нафсларнинг оғишга, шаҳватларга ва ҳавога тобе бўлиши бордир. Жамиятда бузуқлик урчийди.

Аллоҳ таоло никоҳни ҳалол қилди. Чунки, унда интизом, поклик, масъулият, қалб сокинлиги бордир. Никоҳ орқали туғилган фарзандлар насаби собит, пок, тарбия ва ахлоқни ўрганиб ўсишади.

Аллоҳ таоло чўчқа гўштани ҳаром қилди. Ҳозирги кунда бизга маълумки, тўнғиз, чўчқа гўшти грипп вируси, тасмасимон гижжа (солитёр)нинг манбаидир. Бу вирус инсонда қалб қаттиқлигини пайдо қилади.

Агар биз ўсимлик ейдиган ҳайвонлар, масалан, кийик, қуён, от, туя, товуқ кабиларга яхшилаб назар соладиган бўлсак, уларнинг барчаси ювош, мулойим, нозик ҳайвонлар эканини кўрамиз.

Аммо гўштхўр ҳайвонлар, масалан, йиртқичлар, йўлбарслар, қоплонлар, бўрилар, тулкилар, бургутлар, лочинлар қаттиққўл, қўпол, ваҳший, зараркунанда эканини кўрамиз. Буларнинг гўштани еган кимсада улардаги хусусиятлар, сифатлар ўтиши ҳеч кимга сир эмас. Ундай ҳайвонларнинг гўштани еган кимсалар қўпол, жаҳлдор, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, ҳамиятсиз, зараркунанда бўлиб қоладилар.

Энди бу йиртқич ҳайвонларнинг ичида энг зарарлиси тўнғиз гўшtidир. Шунинг учун юқорида санаб ўтилган гўштхўр ҳайвонлар ҳам, тўнғиз гўшти ҳам ҳаром қилинган. Уларда яна қандай зарарлар борлигини Аллоҳ билади, биз билмаймиз.

Аллоҳ таоло бизга меҳрибонлиги учун, раҳмати кенглиги учун зарарли, нопок нарсаларни ҳаром қилиб, фойдали, пок нарсаларни ҳалол қилган. Шунингдек, ибодатларни ҳам Ўзининг раҳмати ўлароқ бизга фарз қилган, буюрган.

Аллоҳ таоло барчамизни ибодатларни ўз вақтида адо этиб, ҳалол-пок нарсалардан истеъмол қилиб, ҳаром нарсалардан узоқ туришимизни насиб этсин! У Зот барчамизни Ўзининг ҳидоятдан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Интернет материаллари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади